

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

D. ISLOMOV

MAXSUS CHOLG‘U

(Doira usullari: ustozlar saboqlari)

*O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi
tomonidan 5151600-Xalq ijodiyoti (cholg‘u jamoalariga rahbarlik)
yo‘nalishi bo‘yicha o‘quv qo‘llanma sifatida tavsiya etilgan*

TOSHKENT – 2015

UO‘K: 785 (075) -

KBK 85.315.3

I-80

**I-80 D.Islomov. Maxsus cholg‘u. (O‘quv qo‘llanma). –T.:
«Fan va texnologiya», 2015, 140 bet + 4 bet rasm.**

ISBN 978–9943–998–11–7

Mazkur o‘quv qo‘llanma 5151600-Xalq ijodiyoti (cholg‘u jamoalariga rahbarlik) ta‘lim yo‘nalishida o‘qitiladigan «Maxsus cholg‘u» fani bo‘yicha doira cholg‘usi sinfi uchun tayyorlangan. Unda doira usullari muammosi tahlil qilib berilgan hamda ustozlar saboqlari va ustoz Usta Olim Komilovning hayoti va ijodi, doira usullari notaga olinib sayqallashtirilgan. Mazkur o‘quv qo‘llanmadan oliy ta‘lim muassasalarida o‘qitiladigan «Xalq cholg‘ularini o‘rganish» fani darslarida ham foydalanish mumkin.

UO‘K: 785 (075)

KBK 85.315.3

Taqrizchilar:

O‘rozali Toshmatov – O‘zbekiston davlat san‘at va madaniyat instituti «Cholg‘u ijrochiligi» kafedrası professori;

Alisher Yuldashev – O‘zbekiston davlat konservatoriyasi «Xalq cholg‘ularida ijrochilik» kafedrası dot-senti v.b.

ISBN 978–9943–998–11–7

© «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2015.

КИРИШ

Ўзбекистонда санъат ва маданият замонавий даражада ривожланиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу борада алоҳида фикр юритиб, айниқса, мусиқа маданиятини миллий ўзанлар воситасида ривожлантиришни таъкидлаб ўтганлар. Ҳақиқатан ҳам мусиқа санъати миллий асосларда ривожлантирилиши керак. Акс ҳолда, мусиқа санъатида қоришиқ тарзидаги салбий бир ҳолат келиб чиқади. Мисол учун, кейинги пайтларда доира ижрочилик санъатида танкидий бир ҳолат пайдо бўлди. Эълон қилинаётган адабиётларда доира усулларига (зарбаларига) нисбатан аҳамиятсиз масала сифатида қаралмоқда. Бу ҳол айниқса, ёшлар таълимига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш йўлларида бири – устозлар меросини чуқур ўрганишдир. Барча соҳаларда бўлганидек, доира усуллари борасида ҳам биз улкан меросга эгамиз. Ҳозирги авлод унинг ҳақли вориси ҳисобланади.

Мамлакатимиз болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат академик лицей ва коллежлари, санъат ва маданият олий таълим муассасаларида миллий чолғулар қаторида доира бўйича узвий ва чуқурлаштирилган сабоқ бериб келинмоқда. Бу борада қуйидагиларга аҳамият бериш долзарб бўлиб турибди:

- устозларнинг доира усулларига доир мероси ва сабоқларини чуқур ўзлаштириш;

- доира усуллари назарияси ва амалиётини юксак даражада эгаллаш;

- устозларнинг доира усулларини асраб-авайлаш ва уларни сайкаллаштириб бориш;

- устозларнинг доира усулларини оммавий тарзда кенг тарғибот қилиш.

Буларга аҳамият бериш доира усуллари бўйича талаб даражасида кўникмани ва малакани эгаллашга олиб келади.

Ушбу ўқув қўлланмада доира усуллари бўйича устозлар мероси таҳлил қилиб берилди. У санъат ва маданият таълим муассасалари мутахассислари, ўқитувчилари ва ўқувчи-талабаларига мўлжалланган.

KIRISH

O'zbekistonda san'at va madaniyat zamonaviy darajada rivojlanib bormoqda. Prezidentimiz Islom Karimov «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asarida bu borada alohida fikr yuritib, ayniqsa, musiqa madaniyatini milliy o'zanlar vositasida rivojlantirishni ta'kidlab o'tganlar. Haqiqatan ham musiqa san'ati milliy asoslarda rivojlantirilishi kerak. Aks holda, musiqa san'atida qorishiq tarzidagi salbiy bir holat kelib chiqadi. Misol uchun, keyingi paytlarda doira ijrochilik san'atida tanqidiy bir holat paydo bo'ldi. E'lon qilinayotgan adabiyotlarda doira usullariga (zarbalariga) nisbatan ahamiyatsiz masala sifatida qaralmoqda. Bu hol ayniqsa, yoshlar ta'limiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgani sir emas. Bunday salbiy holatlarning oldini olish yo'llaridan biri – ustozlar merosini chuqur o'rganishdir. Barcha sohalarida bo'lganidek, doira usullari borasida ham biz ulkan merosga egamiz. Hozirgi avlod uning haqli vorisi hisoblanadi.

Mamlakatimiz bolalar musiqa va san'at maktablari, madaniyat va san'at akademik litsey va kollejlari, san'at va madaniyat oliy ta'lim muassasalarida milliy cholg'ular qatorida doira bo'yicha uzviy va chuqurlashtirilgan saboq berib kelinmoqda. Bu borada quyidagilarga ahamiyat berish dolzarb bo'lib turibdi:

- ustozlarning doira usullariga doir merosi va saboqlarini chuqur o'zlashtirish;

- doira usullari nazariyasi va amaliyotini yuksak darajada egallash;

- ustozlarning doira usullarini asrab-avaylash va ularni sayqallashtirib borish;

- ustozlarning doira usullarini ommaviy tarzda keng targ'ibot qilish.

Bularga ahamiyat berish doira usullari bo'yicha talab darajasida ko'nikmani va malakani egallashga olib keladi.

Ushbu o'quv qo'llanmada doira usullari bo'yicha ustozlar merosi tahlil qilib berildi. U san'at va madaniyat ta'lim muassasalari mutaxassislari, o'qituvchilari va o'quvchi-talabalariga mo'ljallangan.

1-боб. УСТОЗЛАР САБОҚЛАРИ

Доира ўзбек мусиқа санъатида қадимги чолғулардан ҳисобланади. У барча чолғуларга усулий жўр бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида барча замонларда доира усулларини назарий ва амалий ривожлантириб боришга, уларнинг доира санъаткорлари томонидан етарли даражада ўзлаштирилишига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Аҳмадий (XV аср) «Созлар мунозараси» асарида доира усуллари бедорликка даъват қилишига асосланишини қайд этади. Абдурахмон Жомий (1414–1492) эса доира усуллари ҳақида сўзлаб, буларга эътибор бермасдан санъаткор доирачи бўла олмаслигини таъкидлаган эди.¹ Жомий XV асрда бундай фикрга бежиз келмаган. Чунки Амир Темур ва Темурийлар давлати яратган шарт-шароит туфайли халқимиз миллий мусиқа санъати ва чолғуларининг қадимий негизларини XIV–XV асрларда изчил ўрганишга киришилган эди. Бу анъана кейинги асрларда ҳам сақланиб қолди.

1. Дарвешали Бухорий (XVII аср) эса, ўз асарида усулларнинг келиб чиқиши ва уларнинг таснифига алоҳида боб ажратган. У усул ва зарбларни ифодалаш учун шартли бўғин аломатларидан фойдаланган. Бу каби мумтоз устозларнинг сабоқлари шуни кўрсатадики, доира ўртасига урилганда чиққан товуш «бум», чеккасига урилганда чиққан товуш «бак», чеккасига бир хилда урилганда чиққан товуш «бакко», чеккасига қисқа урилганда чиққан товуш «бак» деб аталган. Дам олиш белгиси эса «ист» бўғини билан белгиланган.

Демак, доира усуллари ва зарбларини назарий асослаш ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш тажрибасига мамлакатимизда ўрта асрлардаёқ эришилган эди. Шу сабабли кейинги XVIII–XX асрларда ҳам бу анъанага жиддий эътибор берилган. Мисол учун, ҳарбий масиқачи Эйхгорн доира усулларини ноталаштиришга уринган. Натижа шуни кўрсатадики, доира санъаткорлари ўзигача бўлган ва ўз даврининг устозлари сабоқларини назарий ва амалий

¹ Жомий А. Рисолаи мусиқа. — Тошкент. Ўздавнашр. 1960. 3-б.

жихатдан чуқур ўзлаштириб борган. Бу билан чинакам доира ижрочилиги ва санъаткорлиги сақланиб, ривожлантирилиб борилган.

2. Хоразмлик мусиқачи Девонзода Матюсуф Харратовнинг (XX аср) «Хоразм мусиқаси тарихчаси» асарида бўғинлар усуллар шаклида ёзилган. Лекин Фарғона, Тошкент, Самарқанд каби ҳудудларда бу усулдан фойдаланилмайди.

Айни пайтда, устоз Девонзоданинг сабоғи шундаки, доира усулларини бўғинларда ҳам ифодалаш мумкинлигини ва Хоразм доира усуллари ўзига хос хусусиятларга эгалигини кўрсатиб берган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ранг-баранг доира усуллари юзага кела бошлади. Бу масала ҳам алоҳида ўрганилиши керак.

3. Доира усуллари ва зарбларига оид устоз сабоқлари хусусида сўз борганда шубҳасиз, энг аввало, устоз Уста Олим Комилов (1875–1953) ёдга келади. Бу ўринда Т. Обидовнинг «Уста Олим Комилов» номли китоби (1958) асосида куйидагиларни таъкидлаш мумкин. Уста Олим Комилов... Бу номни эшитганимиз билан у инсонни билганлар, у киши билан ҳамсухбат бўлганларнинг қолдирган хотиралари бўйича ўрта бўйли, қотма, юзларини ажинлар босган, оппоқ соқолли киши ёдингизга келади. Анча ёшга кирган бу кекса киши ёшлардек ғайратли эди, кўпни кўрган кўзлари яркирар, ишлашга доим тайёр турган узун бармоқлари доирадан шундай товушларни янгратар эдики, уни эшитган киши Уста Олим ижро этаётганини доим сезиб турар эди. Уста Олим саҳнага чиққач, ғайратига-ғайрат қўшиларди.

Машҳур созанда бўлиб етишгунча, у кўп машаққатларни чекди, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди.

1875 йилда Марғилон шаҳрида тўқувчи-косиб Комил ака оиласида ўғил туғилди. Унга Олим исмини бердилар. Ота-она балки ўғлимиз олим бўлар, ҳаётни бошқача тушунар, деб умид қилиб бу исмини қўйдилар. Лекин бола ўқий олмади: Ўша даврга хос равишда ўқиш учун пул йўқ эди. Ўн ёшга тўлиб-тўлмай унинг ота-онаси вафот этди, ташвишли ҳаёт тарзи бошланди. Ёшлигидан у ёлланма деҳқончилик қилади, кейинчалик арава-созга шогирд тушади ва тезда арава яшаш ҳунарини эгаллайди.

Буюртмачилар доимо ундан хурсанд эдилар. Исмини ёнига Уста сўзини кўшиб айтилиши ҳам бежиз эмас эди. Лекин Олимни бу касб қизиқтирмади. У ёшлигида ҳар хил йиғилишларда чуқур маъноли халқ мақолларини, жўшқин куй, ашула ва лапарларини, халқ рақсларини завқ билан эшитарди ва кўрар эди. Бу куйлар ҳаваскор созанданинг ёдида умр бўйи қоларди.

Олимжон буларни эшитиб, якка ўзи ҳеч ким йўқ пайтларда кўлига доира олиб чаларди ва бундай оддий чолғудан шунчалик кўп ва ранг-баранг товушлар чиқариш мумкинлигига ҳайрон бўлар эди. У бошқа мусиқа асбобларидан чанг, дутор, ноғора ҳам чаларди ва уларни ўзи ясарди. Бироқ чилдирмага унинг муҳаббати бошқача эди ва бу муҳаббат унда умр бўйи сақланиб қолди.

Халқ орасида танилган марғилонлик Солия хола қобилиятли ёш доирачининг номини эшитиб қолади ва унга ёрдам беради. Кейинчалик марғилонлик машҳур доирачи Масаид ота Олим Комиловни ўзига шогирд қилиб олади.

1926 йил май ойида Марғилонда бир воқеа юз беради. Шаҳарга Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигида этнографик труппа гастролга келади. Унда эндигина санъатда ўз фаолиятини бошлаган ёш раққосалардан Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, созандалардан Отахўжа, Орифжон ва бошқалар иштирок этарди. Труппанинг концертларини Олим Комилов ҳам кўради. Талантли мусиқачи ҳақидаги гапларни эшитган Муҳиддин Қори Ёқубов билан Тамарахоним унинг уйига келдилар.

Қори Ёқубов бу санъат гавҳарини аста-секин саҳнага тортди. Бу одам бора-бора бутун Ўзбекистон ва собиқ иттифоққа танилди.

Хотини Бегимхоним билан ўн етти яшар қайинсинглиси Нурхонни ҳам, азалдан артистларга чанқаган саҳнамининг талабини қондириш тилагида, саҳнага тортди.

Шундай қилиб, Уста Олим Комиловнинг профессионал санъаткорлик ҳаёти бошланди. Труппа гастролларда бўлиб, мамлакатимизнинг турли жойларига боради. Москва, Ленинград (Санкт-Петербург), Боку аҳолиси ёш ўзбек артистларини жуда яхши кутиб олдилар. 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган собиқ СССР халқлари олимпиадасида Уста Олим Комиловга «виртуоз доирачи», деган ном берилади. Москвадан қайтиб келгач, Уста

Олим Комилов фақатгина миллий рақслар бўйича материал тўплаш билан чекланмасдан, балки ўзи янги усулларини яратади. У 120 га яқин усулларни ёдида сақлаган, буларнинг, ярмини эса ўзи кашф этган.

Машҳур устоз Уста Олим Комилов XX асрда куйидаги уч усулни ишлатади «бум», «бак», «бакка» (ёки «бакко»). Албатта, бу усул баъзи мақомларнинг тузилишини осон эса қолдиради. Бироқ бу усул рангбаранг усулларни акс эттириш учун кифоя қилмайди.

1935 йили Лондонга ўша машҳур сафар бошланди. Уста Олим Комиловга сафар бошидаёқ азоб бера бошлаган дард Лондонда чидаб бўлмас даражага етди. Пешонада ҳосил бўлган ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлашдан бошқа иложи йўқ эди. Операция рисоладагидек ўтган бўлса ҳам, бемор ниҳоятда ҳолсиз эди. Фестивалда унинг ўрнини боса оладиган одам йўқ. Лекин кўрик куни Уста Олим иродасини қўлга олиб, нима қилиб бўлса ҳам, концертда қатнашишини айтди. Шифокорлар унинг саҳнага чиқишига қарши эдилар. Лекин Уста Олим Комилов уларга шундай жавоб берди:

– Агар ўлим хавфи бўлса ҳам, мен бари бир саҳнага чиқаман, чунки бугун мен Ўзбекистонимнинг санъатини намойиш қилишим керак.

Ўн мингга яқин томошабин билан тирбанд «Альберт-Хилл» кошонаси саҳнасида концерт бошланиб, навбат Ўзбекистон вакилларига келди. Ўзбекистон вакиллари саҳнага чиққанларида залда сув куйгандек жимжитлик ҳукм суради. Ўзбек артистлари «инглизлар ўзбек миллий рақсларининг ўзига хос хусусиятларига тушунармиканлар», деб ҳаяжонланар эдилар. Бунинг устига жароҳатни яшириш учун бинт устидан салла ўраган Уста Олим иситмаси кўтарилган ҳолда саҳнага чиқиб, доирада «Қари наво» рақси куйини чалди, Тамарахоним чарх уриб ўйнади. Айниқса, «Пилла» рақсидан кейин қарсақ алламаҳалгача тинмади. Ҳар бир номердан кейин залдагилар уларни қизгин олқишлар билан кутиб олдилар.

Фестиваль комиссияси Уста Олим Комиловдан якка ўзи баъзи бир куйларни ижро этишини илтимос қилди. Уста Олим «Ноғора ўйини» ва «Тантана» асарларини якка ўзи чалиб берди. Унинг кўлида доира ўзига хос ёрқин ва ҳаяжонли тил билан

гапира бошлади. Лондонликларни ўз санъати билан қойил қолдирди. Англия кироличаси Мария ҳам Ўзбекистон санъат усталарини завқланиб олқишлади. Рақс тугагандан сўнг киролича сахнага чиқади, Устанинг чилдирмасини кўлига олиб кўради ва Устознинг бармоқларини ушлаб, ушбу мўъжизакор панжалардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишга буюради. Бу нусха ҳозиргача сақланади. Ҳайъат раиси ўзбек созандаси чопонига фестивалнинг олтин юлдузини қадаб қўйди.

Артистлар Лондондаги «Гайль-Парк», «Гринвич» боғларида ҳам ўз концертлари билан чиқдилар. Лекин энг самимий ва кизғин учрашув «Виктория» завод ишчилари шаҳарчасида жойлашган боғда бўлиб ўтди. Бу учрашув ҳақида халқ артисти Тамарахоним шундай деб ёзган эди: «Томошабинлар ўйин бошланишидан бир-икки соат илгари йиғила бошладилар. Тезда улар сони етти-саккиз мингга етди. Улар бизни қийқирик ва олқишлар, «Интернатционал» гимни билан кутиб олишди. Ҳар бир номердан сўнг теварак-атрофни олқишлар садоси коплаб оларди. Бунда биз оддий артистларни муваффақиятидан каттарок бир нарсани кўрган эдик: чунки биз Ғарб меҳнаткашлари ишонч билан қараб турган ўзбек миллатининг вакиллари эдик».

Уста Олим Комилов кўп ишлар эди. У фақатгина ижрочигина эмас, балки рақс сахналаштирувчиси (хореография постановкачиси) ҳам эди. «Гулсара», «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаларидаги, «Буюк канал», «Бўрон» операларидаги миллий рақсларни сахнага қўйганди.

Устоз Уста Олим Комилов ўнлаб шогирдларни тарбиялаб, вояга етказган эди. Устоз 1953 йили оламдан ўтди. Унинг шогирдларидан бири Тўйчи Иноғомов Устозининг назарий ва амалий фаолиятини давом эттирди, у Устанинг усулларини оғзаки шаклларда бойитди.

Яна бир шогирди Ғофир Азимов Устанинг усулларини тасмага ёзиб олди ва бу билан у усулларни санъаткор Устознинг меросини сақлаш ва ўрганиш ишига муносиб ва буюк ҳисса қўшди.


Устоз Уста Олим Комилов ва Тўйчи Иноғомов меросини оммалаштиришда улуғ санъатшуносларимиздан бири – Илёс Акбаровнинг хизматлари каттадир. Бугунги мусиқа санъати вакиллари ушбу санъаткоримиздан миннатдор бўлишлари керак,

чунки у ўнлаб доира куйларини Устоздан ёзиб олиб, нота-лаштирди. Маълум бўладики, доира усуллари устозлардан тадрижий равишда авлодларга ўтиб келмоқда.

Т. Визго мақоласи асосида куйидагиларни эслатиб ўтиш жоиз: ўзбек мусиқа ривожига муносиб хисса кўшган В.Успенский доира усулларини куйдагича ёзган:




Бунда «бум» узун, лекин у нота боши сифатида белгиланган. Кейинчалик В.Успенский «бум» товушини нотада +(мусбат) аломати билан ифодалаган. Унинг бу усулини В.М. Беляев ҳам «Ўзбек мусиқа чолғулари» китобида қўллаган. Мисол учун, қаранг:




Қизиғи шундаки, XIX аср охирларида ҳарбий мусиқачи Эйхгорн ҳам ўзбек мусиқасини нотага туширишга уринган. Лекин у «бум» билан «бак»ни фарқлай олмаган ва бу ҳолатни ўнг ҳамда чап қўлнинг мустақил ҳаракат қилиши деб тушуниб, уни куйидагича ифодалаган:


ўнг қўл



чап қўл




XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб доира мусикасини янгидан нотага олиш авж олди. Бунда «бум»ни чизикнинг пастига, «бак»ни чизикнинг устига ёзиш қўллана бошланди. Мисол учун, шу усулда ёзилган «Эй дўстлар» ашуласида бум, бак, бум, бак куйидагича кўриниш ҳосил қилган:



Нотага ёзиб олишнинг бу усули содда ва аниқ ҳисобланади. Шу сабабли у уриб чалинадиган чолғулар учун жаҳон адабиётида қабул қилинган.

Ўзбек мусикашунослигига сезиларли хизмат қилган А.И.Петросянец иккита қўш чизикли нота тизимидан фойдаланган. Бунда устки чизик чап қўл учун, пастки чизик ўнг қўл учун ёзилади. Эътибор беринг:



- *) Катта бум
- ***) Кичик бум
- ****) Катта бак
- *****) Кичик бак
- *****) Нохун
- *) Катта бум
- ***) Кичик бум
- ****) Катта бак
- *****) Кичик бак
- *****) Нохун

*) – Катта бармоқ билан мембрана ўртасига урилади.

***) – Ўрта бармоқни сал эгиб мембрана ўртасига урилади.

***) – Доиранинг четига бармоқлар кериб урилади.

****) – Тўртинчи бармоқ учи билан доира четига урилади.

*****) – Доира четига синчалок (жимжилок) билан чертиб урилади.

А.И.Петросянцнинг бу тизими ўзбек доира усталарининг барча доира чалиш йўлларини ифодалаш имконини беради. Айни пайтда, олимнинг бу усули товуш ҳосил қилишнинг асос сифатида қабул қилади.

Шундай қилиб, устозлардан қолган мусикий мерос ва сабоқлар бўлғуси ёш санъаткорларни доира усуллари бўйича назарий ва амалий жиҳатдан қуроллантиради. Бу сабоқларни унутиб бўлмайди.

1 БОБ юзасидан мустақил таълим бўйича саволлар ва топшириқлар

1. Буюк мутафаккирларимизнинг доира чолғуси ва моҳир созандалар ҳақида билдирган фикрлари тўғрисида нималарни биласиз?

2. Дарвешали Бухорий доира чолғусида ижро этаётган пайтда дам олиш, яъни пауза белгисини қандай бўғин билан белгиллаган ва уни нима деб атаган?

3. Уста Олим Комилов нечанчи йилда туғилган ва устозни нега Уста деб аташади?

4. Уста Олим Комилов доира чолғусидан ташқари қайси ўзбек халқ чолғуларида ижро этишни билган?

5. Нечанчи йилда ва қаерда Уста Олим Комиловга «Виртуоз доирачи» номи берилади?

6. Уста Олим Комилов нечта усулларни ёдида сақлаган ва қанчасини ўзи басталаган?

7. Англия кироличаси Елизавета I Уста Олим Комилов тўғрисида қандай фикр билдирган?

8. Уста Олим Комилов қайси мусиқали драма ва опералардаги миллий рақсларни саҳналаштирган?

9. Уста Олим Комиловнинг ижодий фаолиятини давом эттирган шогирдларидан кимларни биласиз?

10. Уста Олим Комилов ва Тўйчи Иноғомовлар меросини оммалаштиришда кимнинг хизматлари кўпроқ?

1-bob. USTOZLAR SABOQLARI

Doira o'zbek musiqa san'atida qadimgi cholg'ulardan hisoblanadi. U barcha cholg'ularga usuliy jo'r bo'lib kelmoqda. Buning natijasida barcha zamonlarda doira usullarini nazariy va amaliy rivojlantirib borishga, ularning doira san'atkorlari tomonidan etarli darajada o'zlashtirilishiga alohida e'tibor berilgan. Jumladan, Ahmadiy (XV asr) «Sozlar munozarasi» asarida doira usullari bedorlikka da'vat qilishiga asoslanishini qayd etadi. Abdurahmon Jomiy (1414–1492) esa, doira usullari haqida so'zlab, bularga e'tibor bermasdan san'atkor doirachi bo'la olmasligini ta'kidlagan edi.² Jomiy XV asrda bunday fikrga bejiz kelmagan. Chunki Amir Temur va Temuriylar davlati yaratgan shart-sharoit tufayli xalqimiz milliy musiqa san'ati va cholg'ularining qadimiy negizlarini XIV–XV asrlarda izchil o'rganishga kirishilgan edi. Bu an'ana keyingi asrlarda ham saqlanib qoldi.

1. Darveshali Buxoriy (XVII asr) esa, o'z asarida usullarning kelib chiqishi va ularning tasnifiga alohida bob ajratgan. U usul va zarblarni ifodalash uchun shartli bo'g'in alomatlaridan foydalangan. Bu kabi mumtoz ustozlarning saboqlari shuni ko'rsatadiki, doira o'rtasiga urilganda chiqqan tovush «bum», chekkasiga urilganda chiqqan tovush «bak», chekkasiga bir xilda urilganda chiqqan tovush «bakko», chekkasiga qisqa urilganda chiqqan tovush «bak» deb atalgan. Dam olish belgisi esa «ist» bo'g'ini bilan belgilangan.

Demak, doira usullari va zarblarini nazariy asoslash hamda uni amaliyotga tatbiq etish tajribasiga mamlakatimizda o'rta asrlardayoq erishilgan edi. Shu sababli keyingi XVIII–XX asrlarda ham bu an'anaga jiddiy e'tibor berilgan. Misol uchun, harbiy masiqachi Eyxgorn doira usullarini notalashtirishga uringan. Natija shuni ko'rsatadiki, doira san'atkorlari o'zigacha bo'lgan va o'z davrining ustozlari saboqlarini nazariy va amaliy jihatdan chuqur o'zlashtirib borgan. Bu bilan chinakam doira ijrochiligi va san'atkorligi saqlanib, rivojlantirilib borilgan.

² Jomiy A. Risolai musiqa. — Toshkent. O'zdamnashr. 1960. 3-b.

2. Xorazmlik musiqachi Devonzoda Matyusuf Xarratovning (XX asr) «Xorazm musiqasi tarixchasi» asarida bo'g'inlar usullar shaklida yozilgan. Lekin Farg'ona, Toshkent, Samarqand kabi hududlarda bu usuldan foydalanilmaydi.

Ayni paytda, ustoz Devonzodaning sabog'i shundaki, doira usullarini bo'g'inlarda ham ifodalash mumkinligini va Xorazm doira usullari o'ziga xos xususiyatlarga egaligini ko'rsatib bergan.

XX asrning 30-yillaridan boshlab mamlakatimizning turli hududlarida rang-barang doira usullari yuzaga kela boshladi. Bu masala ham alohida o'rganilishi kerak.

3. Doira usullari va zarblariga oid ustoz saboqlari xususida so'z borganda shubhasiz, eng avvalo, ustoz Usta Olim Komilov (1875–1953) yodga keladi. Bu o'rinda T. Obidovning «Usta Olim Komilov» nomli kitobi (1958) asosida quyidagilarni ta'kidlash mumkin. Usta Olim Komilov... Bu nomni eshitganimiz bilan u insonni bilganlar, u kishi bilan hamsuhbat bo'lganlarning qoldirgan xotiralari bo'yicha o'rta bo'yli, qotma, yuzlarini ajinlar bosgan, oppoq soqolli kishi yodingizga keladi. Ancha yoshga kirgan bu keksa kishi yoshlardek g'ayratli edi, ko'pni ko'rgan ko'zlari yarqirar, ishlashga doim tayyor turgan uzun barmoqlari doiradan shunday tovushlarni yangratar ediki, uni eshitgan kishi Usta Olim ijro etayotganini doim sezib turar edi. Usta Olim sahnaga chiqqach, g'ayratiga-g'ayrat qo'shildirdi.

Mashhur sozanda bo'lib yetishguncha, u ko'p mashaqqatlarni chekdi, murakkab hayot yo'lini bosib o'tdi.

1875-yilda Marg'ilon shahrida to'quvchi-kosib Komil aka oilasida o'g'il tug'ildi. Unga Olim ismini berdilar. Ota-ona balki o'g'limiz olim bo'lar, hayotni boshqacha tushunar, deb umid qilib bu ismni qo'yidilar. Lekin bola o'qiy olmadi: O'sha davrga xos ravishda o'qish uchun pul yo'q edi. O'n yoshga to'lib-to'lmay uning ota-onasi vafot etdi, tashvishli hayot tarzi boshlandi. Yoshligidan u yollanma dehqonchilik qiladi, keyinchalik aravasoza shogird tushadi va tezda arava yasash hunarini egallaydi. Buyurtmachilar doimo undan xursand edilar. Ismini yoniga Usta so'zini qo'shib aytilishi ham bejiz emas edi. Lekin Olimni bu kasb qiziqitirmadi. U yoshligida har xil yig'ilishlarda chuqur ma'noli xalq maqollarini, jo'shqin kuy, ashula va laparlarini, xalq raqslarini zavq bilan eshitardi va ko'rar edi. Bu kuylar havaskor sozandaning yodida umr bo'yi qolardi.

Olimjon bularni eshitib, yakka o'zi hech kim yo'q paytlarda qo'liga doira olib chalardi va bunday oddiy cholg'udan shunchalik ko'p va rang-barang tovushlar chiqarish mumkinligiga hayron bo'lar edi. U boshqa musiqa asboblaridan chang, dutor, nog'ora ham chalardi va ularni o'zi yasardi. Biroq childirmaga uning muhabbati boshqacha edi va bu muhabbat unda umr bo'yi saqlanib qoldi.

Xalq orasida tanilgan marg'ilonlik Soliya xola qobiliyatli yosh doirachining nomini eshitib qoladi va unga yordam beradi. Keyinchalik marg'ilonlik mashhur doirachi Masaid ota Olim Komilovni o'ziga shogird qilib oladi.

1926-yil may oyida Marg'ilonida bir voqea yuz beradi. Shaharga Muhiddin Qori Yoqubov rahbarligida etnografik truppa gastrolga keladi. Unda endigina san'atda o'z faoliyatini boshlagan yosh raqqosalardan Tamaraxonim, Gavhar Rahimova, sozandalardan Otaxo'ja, Orifjon va boshqalar ishtirok etardi. Truppaning konsertlarini Olim Komilov ham ko'radi. Talantli musiqachi haqidagi gaplarni eshitgan Muhiddin Qori Yoqubov bilan Tamaraxonim uning uyiga keldilar.

Qori Yoqubov bu san'at gavharini asta-sekin sahnaga tortdi. Bu odam bora-bora butun O'zbekiston va sobiq ittifoqqa tanildi.

Xotini Begimxonim bilan o'n yetti yashar qayinsinglisi Nurxonni ham, azaldan artistlarga chanqagan sahnamizning talabini qondirish tilagida, sahnaga tortdi.

Shunday qilib, Usta Olim Komilovning professional san'atkorlik hayoti boshlandi. Truppa gastrollarda bo'lib, mamlakatimizning turli joylariga boradi. Moskva, Leningrad (Sankt-Peterburg), Boku aholisi yosh o'zbek artistlarini juda yaxshi kutib oldilar. 1930 yilda Moskvada bo'lib o'tgan sobiq SSSR xalqlari olimpiadasida Usta Olim Komilovga «virtuoz doirachi», degan nom beriladi. Moskvadan qaytib kelgach, Usta Olim Komilov faqatgina milliy raqslar bo'yicha material to'plash bilan cheklanmasdan, balki o'zi yangi usullarini yaratadi. U 120 ga yaqin usullarni yodida saqlagan, bularning yarmini esa o'zi kashf etgan.

Mashhur ustoz Usta Olim Komilov XX asrda quyidagi uch usulni ishlatadi «bum», «bak», «bakka» (yoki «bakko»). Albatta, bu usul ba'zi maqomlarning tuzilishini oson esda qoldiradi. Biroq bu usul rangbarang usullarni aks ettirish uchun kifoya qilmaydi.

1935-yili Londonga o'sha mashhur safar boshlandi. Usta Olim Komilovga safar boshidayoq azob bera boshlagan dard Londonda chidab bo'lmas darajaga yetdi. Peshonada hosil bo'lgan o'simtani jarrohlik yo'li bilan olib tashlashdan boshqa iloji yo'q edi. Operatsiya risoladagidek o'tgan bo'lsa ham, bemor nihoyatda holsiz edi. Festivalda uning o'rmini bosa oladigan odam yo'q. Lekin ko'rik kuni Usta Olim irodasini qo'lga olib, nima qilib bo'lsa ham, konsertda qatnashishini aytdi. Shifokorlar uning sahnaga chiqishiga qarshi edilar. Lekin Usta Olim Komilov ularga shunday javob berdi:

– Agar o'lim xavfi bo'lsa ham, men bari bir sahnaga chiqaman, chunki bugun men O'zbekistonimning san'atini namoyish qilishim kerak.

O'n mingga yaqin tomoshabin bilan tirband «Albert-Xill» koshonasi sahnasida konsert boshlanib, navbat O'zbekiston vakillariga keldi. O'zbekiston vakillari sahnaga chiqqanlarida zalda suv quygandek jimjitlik hukm suradi. O'zbek artistlari «inglizlar o'zbek milliy raqslarining o'ziga xos xususiyatlariga tushunarmikanlar», deb hayajonlanar edilar. Buning ustiga jarohatni yashirish uchun bint ustidan salla o'ragan Usta Olim isitmasi ko'tarilgan holda sahnaga chiqib, doirada «Qari navo» raqsi kuyini chaldi, Tamaraxonim charx urib o'ynadi. Ayniqsa, «Pilla» raqsidan keyin qarsak allamahalgacha tinmadi. Har bir nomerdan keyin zaldagilar ularni qizg'in olqishlar bilan kutib oldilar.

Festival komissiyasi Usta Olim Komilovdan yakka o'zi ba'zi bir kuylarni ijro etishini iltimos qildi. Usta Olim «Nog'ora o'yini» va «Tantana» asarlarini yakka o'zi chalib berdi. Uning qo'lida doira o'ziga xos yorqin va hayajonli til bilan gapira boshladi. Londonliklarni o'z san'ati bilan qoyil qoldirdi. Angliya qirolichasi Mariya ham O'zbekiston san'at ustalarini zavqlanib olqishladi. Raqs tugagandan so'ng qirolicha sahnaga chiqadi, Ustaning childirmasini qo'lga olib ko'radi va Ustozning barmoqlarini ushlab, ushbu mo'jizakor panjalardan gipsga nusxa olib, London muzeyiga qo'yishga buyuradi. Bu nusxa hozirgacha saqlanadi. Hay'at raisi o'zbek sozandasi choponiga festivalning oltin yulduzini qadab qo'ydi.

Artistlar Londondagi «Gayl-Park», «Grinвич» bog'larida ham o'z konsertlari bilan chiqdilar. Lekin eng samimiy va qizg'in uchrashuv «Viktoriya» zavod ishchilari shaharchasida joylashgan bog'da bo'lib o'tdi. Bu uchrashuv haqida xalq artisti Tamaraxonim

shunday deb yozgan edi: «Tomoshabinlar o‘yin boshlanishidan bir-ikki soat ilgari yig‘ila boshladilar. Tezda ular soni yetti-sakkiz mingtaga etdi. Ular bizni qiyqiriq va olqishlar, «Internatsional» gimni bilan kutib olishdi. Har bir nomerdan so‘ng tevarak-atrofnı olqishlar sadosi qoplab olardi. Bunda biz oddiy artistlarnı muvaffaqiyatidan kattaroq bir narsani ko‘rgan edik: chunki biz G‘arb mehnatkashlari ishonch bilan qarab turgan o‘zbek millatining vakillari edik».

Usta Olim Komilov ko‘p ishlar edi. U faqatgina ijrochigina emas, balki raqs sahnalashtiruvchisi (xoreografiya postanovkachisi) ham edi. «Gulsara», «Farhod va Shirin» musiqali dramalaridagi, «Buyuk kanal», «Bo‘ron» operalaridagi milliy raqslarnı sahnaga qo‘ygandi.

Ustoz Usta Olim Komilov o‘nlab shogirdlarnı tarbiyalab, voyaga yetkazgan edi. Ustoz 1953-yili olamdan o‘tdi. Uning shogirdlaridan biri To‘ychi Inog‘omov Ustozining nazariy va amaliy faoliyatini davom ettirdi, u Ustaning usullarini og‘zaki shakllarda boyitdi.

Yana bir shogirdi G‘ofir Azimov Ustaning usullarini tasмага yozib oldi va bu bilan u usullarnı san‘atkor Ustozning merosini saqlash va o‘rganish ishiga munosib va buyuk hissa qo‘shdi.

Ustoz Usta Olim Komilov va To‘ychi Inog‘omov merosini ommalashtirishda ulug‘ san‘atshunoslarimizdan biri Ilyos Akbarovning xizmatlari kattadir. Bugungi musiqa san‘ati vakillari ushbu san‘atkorimizdan minnatdor bo‘lishlari kerak, chunki u o‘nlab doira kuylarini Ustozdan yozib olib, notalashtirdi. Ma‘lum bo‘ladiki, doira usullari ustozlardan tadrijiy ravishda avlodlarga o‘tib kelmoqda.

T. Vizgo maqolasi asosida quyidagilarnı eslatib o‘tish joiz: o‘zbek musiqa rivojiga munosib hissa qo‘shgan V.Uspenskiy doira usullarini quydagicha yozgan:




Bunda «bum» uzun, lekin u nota boshi sifatida belgilangan. Keyinchalik V. Uspenskiy «bum» tovushini notada +(musbat) alomati bilan ifodalagan. Uning bu usulini V.M. Belyaev ham «O‘zbek musiqa cholg‘ulari» kitobida qo‘llagan. Misol uchun, qarang:




Qizig'i shundaki, XIX asr oxirlarida harbiy musiqachi Eyxgorn ham o'zbek musiqasini notaga tushirishga uringan. Lekin u «bum» bilan «bak»ni farqlay olmagan va bu holatni o'ng hamda chap qo'lning mustaqil harakat qilishi deb tushunib, uni quyidagicha ifodalagan:


o'ng qo'l



chap qo'l




XX asrning 50-yillaridan boshlab doira musiqasini yangidan notaga olish avj oldi. Bunda «bum»ni chiziqning pastiga, «bak»ni chiziqning ustiga yozish qo'llana boshlandi. Misol uchun, shu usulda yozilgan «Ey do'stlar» ashulasida bum, bak, bum, bak quyidagicha ko'rinish hosil qilgan:



Notaga yozib olishning bu usuli sodda va aniq hisoblanadi. Shu sababli u urib chalinadigan cholg'ular uchun jahon adabiyotida qabul qilingan.

O'zbek musiqashunosligiga sezilarli xizmat qilgan A.I.Petro-syans ikkita qo'sh chizikli nota tizimidan foydalangan. Bunda ustki chiziq chap qo'l uchun, pastki chiziq o'ng qo'l uchun yoziladi. E'tibor bering:



- *) Katta bum
- **) Kichik bum
- ***) Katta bak
- ****) Kichik bak
- *****) Noxun
- *) Katta bum
- **) Kichik bum
- ***) Katta bak
- ****) Kichik bak
- *****) Noxun

*) – Katta barmoq bilan membrana o‘rtasiga uriladi.

**) – O‘rta barmoqni sal egib membrana o‘rtasiga uriladi.

***) – Doiraning chetiga barmoqlar kerib uriladi.

****) – To‘rtinchi barmoq uchi bilan doira chetiga uriladi.

*****) – Doira chetiga sinchaloq (jimjiloq) bilan chertib uriladi.

A.I.Petrosyaning bu tizimi o‘zbek doira ustalarining barcha doira chalish yo‘llarini ifodalash imkonini beradi. Ayni paytda, olimning bu usuli tovush hosil qilishning asos sifatida qabul qiladi.

Shunday qilib, ustozlardan qolgan musiqiy meros va saboqlar bo‘lg‘usi yosh san‘atkorlarni doira usullari bo‘yicha nazariy va amaliy jihatdan qurollantiradi. Bu saboqlarni unutib bo‘lmaydi.

1-BOB yuzasidan mustaqil ta‘lim bo‘yicha savollar va topshiriqlar

1. Buyuk mutafakkirlarimizning doira cholg‘usi va mohir sozandalar haqida bildirgan fikrlari to‘g‘risida nimalarni bilasiz?

2. Darveshali Buxoriy doira cholg‘usida ijro etayotgan paytda dam olish, ya‘ni pauza belgisini qanday bo‘g‘in bilan belgilagan va uni nima deb atagan?

3. Usta Olim Komilov nechanchi yilda tug‘ilgan va ustozni nega Usta deb atashadi?

4. Usta Olim Komilov doira cholg‘usidan tashqari qaysi o‘zbek xalq cholg‘ularida ijro etishni bilgan?

5. Nechanchi yilda va qaerda Usta Olim Komilovga «Virtuoz doirachi» nomi beriladi?

6. Usta Olim Komilov nechta usullarni yodida saqlagan va qanchasini o'zi bastalagan?

7. Angliya qirolichasi Yelizaveta I Usta Olim Komilov to'g'risida qanday fikr bildirgan?

8. Usta Olim Komilov qaysi musiqali drama va operalardagi milliy raqslarni sahnalashtirgan?

9. Usta Olim Komilovning ijodiy faoliyatini davom ettirgan shogirdlaridan kimlarni bilasiz?

10. Usta Olim Komilov va To'ychi Inog'omovlar merosini ommalashtirishda kimning xizmatlari ko'proq?

2-боб. ДОИРА УСУЛЛАРИ

Устоз доирачи санъаткорларнинг доира усулларини чуқур ўзлаштириш бўлажак ёш санъаткорлар учун заруриятдир. Шу маънода, бу ўринда Тўйчи Иноғомов ва Илёс Акбаровнинг тинимсиз меҳнатлари тufайли бизгача етиб келган устоз Уста Олим Комиловнинг бир неча доира усулларини сайқаллаштириб, намуна сифатида тақдим қилдик.

DOIRA USULLARI

Ustoz doirachi san'atkorlarning doira usullarini chuqur o'zlashtirish bo'lajak yosh san'atkorlar uchun zaruriyatdir. Shu ma'noda, bu o'rinda To'ychi Inog'omov va Ilyos Akbarovning tinimsiz mehnatlari tufayli bizgacha yetib kelgan ustoz Usta Olim Komilovning bir necha doira usullarini sayqallashtirib, namuna sifatida taqdim qildik.

ДОИРАНИНГ ЗАРБЛАРИ DOIRANING ZARBLARI

Уста Олим Комиловдан ёзиб олувчи Илёс Акбаров
Usta Olim Komilovdan yozib oluvchi Ilyos Akbarov

1. Дилдир Dildir (титратма) (titratma) М.М. ♩ = 76-80



2. Қўш қарс М.М. ♩ = 76-80 Qo'sh qars



3. Яқка қарс М.М. ♩ = 80-84 Yakka qars



4. Ўтиш қисми "Шоҳ" М.М. ♩ = 84 O'tish qismi "Shoh"



5. Оксатма М.М. ♩ = 68

Oqsatma



6. Оксатмани ўтказма гули М.М. ♩ = 72

Oqsatmaning o'tkazma guli



7. Гул ўйин М.М. ♩ = 72-76

Gul o'yin



8. Гул ўйин яллагаси М.М. ♩ = 72

Gul o'yin yallatasi



9. Гул ўйини жилваси М.М. = 80-84

Gul o'yini jilvasi

Musical score for Gul o'yini jilvasi, Op. 80-84. The piece is in 3/4 time and marked *f*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It consists of a sequence of eighth notes with slurs, alternating between the upper and lower staves of the grand staff.

10. Жилвани рези М.М. = 80-84

Jilvani rezi

Musical score for Jilvani rezi, Op. 80-84. The piece is in 3/4 time and marked *p*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It features a sequence of eighth notes with slurs, alternating between the upper and lower staves of the grand staff.

Continuation of the musical score for Jilvani rezi, Op. 80-84. The piece is in 3/4 time and marked *p*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It features a sequence of eighth notes with slurs, alternating between the upper and lower staves of the grand staff. The piece concludes with a fermata over the final note.

11. Дучарх М.М. = 120-126

Ducharx

Musical score for Ducharx, Op. 120-126. The piece is in 3/4 time and marked *f*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It features a sequence of eighth notes with slurs and triplets, alternating between the upper and lower staves of the grand staff.

Continuation of the musical score for Ducharx, Op. 120-126. The piece is in 3/4 time and marked *f*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It features a sequence of eighth notes with slurs and triplets, alternating between the upper and lower staves of the grand staff. The piece concludes with a fermata over the final note.

12. Дучава М.М. = 132



Duchava

Musical score for Duchava, Op. 132. The piece is in 3/4 time and marked *f*. The melody is written on a single staff with a treble clef. It features a sequence of eighth notes with slurs and triplets, alternating between the upper and lower staves of the grand staff.



13. Дучава резн М.М. ♩ = 132

Duchava rezni



14. Якка чарх М.М. ♩ = 132

Yakka charx





15. Чор қарс М.М. ♩ = 112-116
Chor qars



16. Чор қарс рези М.М. ♩ = 112-116
Chor qars rezı





17. Усул ҳаққони М.М. ♩ = 100

Usul haqqoni



18. Усул ҳаққони йўргаси М.М. ♩ = 100-104


Usul haqqoni yo'rg'asi




19. Даромоди садир М.М. ♩ = 100-104

Daromadi sadir





20. Даромади садир рези М.М. ♩ = 104-108
Daromadi sadir rezi



21. Садир М.М. ♩ = 104-108
Sadir



I вариант
I variant



II вариант
II variant



22. Садир рези М.М. ♩ = 112
Sadir rezi



23. Сув йўрраси
Suv yo'r-rasi





24. Ўсма-сурма М.М. ♩ = 116-120

O'sma-surma



25. Ён қарс М.М. ♩ = 96-100

Yon qars



p

26. Усул қайтарма М.М. ♩ = 160-168
Usul qaytarma

Musical score for 'Usul qaytarma' in 2/4 time, marked *mf*. The score consists of two staves with a treble and bass clef. The melody is primarily eighth notes, with some sixteenth-note runs in the right hand.

27. Усул вайжонам М.М. ♩ = 120-126
Usul vayjonam

Musical score for 'Usul vayjonam' in 2/4 time, marked *f*. The score consists of two staves with a treble and bass clef. The melody features eighth notes and sixteenth-note runs, with accents (>) placed under several notes.

Continuation of the musical score for 'Usul vayjonam', showing the right-hand part with sixteenth-note runs and accents (>).

28. Вайжонам ён қарсағи М.М. ♩ = 120-126
Vayjonam yon qarsagi

Musical score for 'Vayjonam yon qarsagi' in 2/4 time, marked *f*. The score consists of two staves with a treble and bass clef. The melody is characterized by eighth-note patterns and rests, with a fermata over the first measure.

Кўчиш учун
Ko'chish uchun

Continuation of the musical score for 'Vayjonam yon qarsagi', showing the right-hand part with eighth-note patterns and a fermata over the final measure, marked *f*.

29. Усул қоразанг М.М. ♩ = 152
Usul qorazang

Musical score for 'Usul qorazang' in 3/8 time, marked *f*. The score consists of two staves with a treble and bass clef. The melody is composed of eighth notes, with a fermata over the final measure.

30. Қоразанг рези М.М. ♩ = 114
Qorazang rezi

Musical score for 'Qorazang rezi' in 3/4 time. The piece consists of two systems. The first system features a piano introduction with a steady eighth-note accompaniment in the left hand and a melody in the right hand. The second system continues the melody with several triplet markings (3) and eighth-note accompaniment.

Кўчиш учун
Ko'chish uchun

Musical score for 'Ko'chish uchun' in 3/4 time. The score is a single system featuring a piano introduction with eighth-note accompaniment and a melody with triplet markings (3). The piece concludes with a double bar line and a repeat sign.

31. Марғилон дучаваси М.М. ♩ = 112-116
Marg'ilon duchavasi

Musical score for 'Marg'ilon duchavasi' in 2/4 time. The score is a single system featuring a piano introduction with eighth-note accompaniment and a melody with triplet (3) and quintuplet (5) markings.

32. Марғилон дучаваси рези М.М. ♩ = 112-116
Marg'ilon duchavasi rezi

Musical score for 'Marg'ilon duchavasi rezi' in 2/4 time. The score is a single system featuring a piano introduction with eighth-note accompaniment and a melody with triplet (3) markings. The piece concludes with a double bar line and dynamic markings: *f*, *p*, *mp*, and *pp*.



33. Катта сама М.М. ♩ = 72-76

Katta sama



34. Катта сама қарси М.М. ♩ = 96-100

Katta sama qarshi



35. Яллама М.М. ♩ = 116-120

Yallama





36. Дупоя М.М. ♩ = 112-116
Дупою



37. Орам М.М. ♩ = 80-84
Орам



38. Орам йўргаси М.М. ♩ = 80
Орам yo'rg'asi



f p f p f p f p

39. Рези йўрра М.М. ♩ = 92-96
 Rezi yu'rga

40. Сарбози М.М. ♩ = 80-84
 Sarbozi

f



41. Уфори чапандоз М.М. ♩ = 104-108

Ufori chapandoz



42. Уфори сахта М.М. ♩ = 96

Ufori saxta



43. Уфори сахта рези М.М. ♩ = 116-120

